

REASONINGS CONCERNING THE LEGAL ANALYSIS OF CRIMES AGAINST THE PERSON IN THE REPUBLIC UZBEKISTAN CRIMINAL CODE

Aknazarov Akbar

Master of faculty of theory and practice of criminal application in TSUL

Annotation: in the article the essence of object, the subject, objective and the subjective parties of crimes against the person and feature of qualification of these crimes reveals. From the point of view of criminal law the comment is given and the legal analysis is carried out.

Keywords: the person, a crime, object, the subject, the objective party, the subjective party, the criminal code, the criminal policy.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб суд-ҳуқуқ ислохотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўқис таъминланадиган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан иборат. Бу борада жиноят ҳуқуқ тармоқида кечаётган ислохотлар ҳам, энг аввало, демократик ҳуқуқий жамият қуриш, халқ фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини олий кадрият даражасига кўтариш, шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Қийноққа қарши конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлик, оила ва вояга етмаганларнинг манфаатлари, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларини амалга оширишни муҳим вазифалари сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади – халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир» [1]. Шу нуқтаи назардан шахсга қарши жиноятларнинг юридик табиатини очиб бериш, ушбу турдаги жиноятларнинг тушунчаси, жиноят таркибларининг белгилари, уларнинг турлари ва квалификация қилиш қоидаларини кўрсатиш, шунингдек ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг бугунги кундаги имкониятлари тўғрисидаги билимларни тарғибот қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шахсга қарши жиноятларнинг юридик мазмуни ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий маъносини, уни ташкил этувчи нормалар ҳамда жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормалари билан ўзаро боғлиқлигини очиб бериш, уларни илмий таҳлил қилиш лозим. Шу билан бирга шахсга қарши жиноятларга оид бўлган юридик категориялар ва қоидалар тўғрисидаги назарий билимларни тизимлаштириш, уларнинг амалий жиҳатларини очиб бериш, бу турдаги жиноятларни квалификация қилиш, жиноят қонуни

нормаларини тўғри қўллаш ва шарҳлаш масалаларига оид қоидаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят ҳуқуқи назариясида шахсга қарши жиноятларга оид муаммолар ҳар доим ҳам олимлар, тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган ва ушбу масаланинг юридик таҳлиliga бағишланган кўплаб адабиётлар яратилган. Хусусан, Ўзбекистонда олимлардан М. Х. Рустамбоев (1998), Ф. Тохиров (2001) ва А.А. Отажоновлар (2012) томонидан шахсга қарши жиноятларга оид жинойий-ҳуқуқий нормаларни тўлиқ қамраб олувчи ўқув қўлланмалари тайёрланиб нашрдан чиқарилган [2] ва жиноят ҳуқуқига оид дарсликлар ҳамда шарҳларда ҳам баён этилган.

Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган мазкур мавзуга бағишланган ҳар қайси адабиётларда муаллифлар ўзларининг ёндашуви ва қарашларидан келиб чиққан ҳолда ундаги тушунча, категория ва жиноят белгиларига оид таърифлар ва тавсиялар берган [3]. Шунинг учун ҳам мазкур мавзу бўйича адабиётларда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда кейинги йилларда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий маколалар, монография, ўқув қўлланмалар, дарслик ва шарҳларда ушбу мавзунинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганлигини кузатиш мумкин [4].

Умуман олганда, шахсга қарши жиноятларга таъриф берганда уларни Жиноят кодексига белгиланган ва бевосита шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати ва конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда оила ва вояга етмаганларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида ифодалаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлими ўз ичига етита бобни, яъни: Ҳаётга қарши жиноятлар; Соғлиққа қарши жиноятлар; Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар; Жинсий эркинликка қарши жиноятлар; Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар; Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар; Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар деб номланувчи боблар киради.

Мазкур гуруҳга кирувчи жиноятларни қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштириши Республикамизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш асосида олиб борилаётган қоидаларга, яъни айнан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилиш ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг концептуал ғояларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, шахсга қарши жиноятлар бўйича шахсни жинойий тажовузулардан самарали муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, квалификация қилишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва

эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Шахсга қарши жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва умуман жиноят қонунчилигини такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди.

Хусусан, жиноят қонунчилигининг янада либераллашуви ҳамда алоҳида тоифадаги жиноятларни жиноий юрисдикциядан чиқариш амалга оширилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати кенгайтирилди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш концепциянинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» – деб мустаҳкамланган қоидага асосланган. Шундан келиб чиққан ҳолда шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг асосий вазифаларидан биридир.

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланиб, унинг бу бойлигидан маҳрум этилиши ёки шикаст етказилиши оғир жиноят ҳисобланади. Бу эса, ушбу турдаги жиноятларнинг хавфлилик даражаси юқори эканлигини кўрсатади, шунингдек, шахсга қарши жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги, уларнинг содир этилиши натижасида ҳаёт ва соғлиқ, жинсий эркинлик, оила ва ёшларнинг манфаатлари, ахлоқ нормалари, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий зарар етказилиши билан шартланади.

Шахсга қарши жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги, уларнинг содир этилиши натижасида ҳаёт, соғлиқ, шахснинг жинсий эркинлиги, шаъни ва кадр қиммати, шахснинг озодлиги ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказиш ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқариши билан шартланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми «Шахсга қарши жиноятлар» деб номланувчи биринчи бўлимга киритилган барча жиноятларнинг турдош объекти шахс манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, шахс манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг мазкур турдаги жиноятларнинг объекти сифатида баҳолаш уларнинг ижтимоий муносабатлар ва ундаги асосий тизимнинг негизи каби қаралади. Шахс бир вақтнинг ўзида биологик мавжудот эканлиги ҳамда муайян ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбурият, озодлик ва бошқа ижтимоий қимматликларга эгаллигини мужассам этади. Ушбу бўлимда назарда тутилган ҳар бир жиноят шахснинг ижтимоий ҳаётда мавжуд эканлигини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини нормал амал қилишини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Шу

нуктаи назардан ушбу таҳлиллар «шахс» ва «инсон» категорияларини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида баҳолашда бир-бирига қарама-қарши қўйиш учун ҳеч қандай асосларнинг йўқ эканлигини кўрсатади.

Шахсга қарши жиноятларнинг субъекти ҳар қандай 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришда (ЖК 97-м. 2-қ.) 13 ёшдан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 1-қ.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-м.), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.), қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-м.), номусга тегиш (ЖК 118-м.), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-м.), одам ўғрилаш (ЖК 137-м.) жиноятларида 14 ёшдан, шунингдек вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м.), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м.), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.) жиноятлари учун 18 ёшдан жавобгарликка тортиладилар.

Шу билан бирга, шахсга қарши алоҳида турдаги жиноятларнинг субъектлари махсус субъект белгиларига эга ҳисобланади. Хусусан, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-м.), таносил ёки ОИВ қасаллиги/ОИТСни тарқатиш (ЖК 113-м.), жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЖК 114-м.), касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116-м.), хавф остида қолдириш (ЖК 117-м.), бесоқолбозлик (ЖК 120-м.), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЖК 121-м.), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м.), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м.), кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м.), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЖК 141-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.), меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЖК 148-м.) жиноятларида субъектнинг умумий белгиларини аниқлаш билан бирга уларнинг қонун нормасида назарда тутилган қўшимча белгиларини ҳам аниқлаш шартдир.

Шахсга қарши жиноятларнинг объектив томони кўп ҳолларда шахснинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига тажовуз қилиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланиши билан тавсифланади. Қонун чиқарувчи шахсга қарши жиноятларнинг зарурий белгилари сифатида маълум бир оқибатлар келтириб чиқиш шартлигини белгиловчи (моддий таркибли) ёки бундай оқибатлар келиб чиқишини назарда тутмайдиган жиноятларни (формал таркибли) қайд этган. Масалан, шахсга қарши жиноятларнинг моддий таркибли турларида жиноятни тугалланган деб баҳолаш учун албатта қонун нормасида назарда тутилган муайян оқибатларнинг келиб чиққанлигини аниқлаш талаб этилади. Хусусан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м.) жиноятида одам ўлими юз берганлиги жиноятнинг тугалланганлигидан далолат беради. Агар бундай оқибат шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра келиб чиқмаган бўлса қилмиш қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинади. Бундай таркибли

жиноятларни шахсга қарши бўлган бошқа жиноятларда ҳам кузатиш мумкин (масалан, соғлиққа қарши жиноятларда ва бошқ.).

Шахсга қарши жиноятларнинг формал таркибли турларида эса, жиноятни тугалланган деб ҳисоблаш учун қонун нормасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи қилмишларнинг содир этилганлигининг ўзи кифоя ҳисобланади. Масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-м.) жинояти ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитилган вақтдан бошлаб тугалланган деб топилади.

Шахсга қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар кўрилаяётганда, содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда жинсий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш асосий аҳамиятга эгадир. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳар бир ҳолат таҳлил этилаяётган жиноят таркибини келтириб чиқармаслигини англатади.

Шахсга қарши айрим жиноятларнинг диспозициялари бланкет хусусиятга эга бўлган моддалардан ҳам иборат ҳисобланади. Хусусан, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш (ЖК 132-м.), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 144-м.), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-м.) ва бошқа шу каби жиноят ишларни кўриш ва тергов қилишда бошқа ҳуқуқ тармоқларининг қонуний ҳужжатларига мурожаат қилиш зарурдир.

Шахсга қарши жиноятларнинг субъектив томони ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Таҳлил этилаяётган жиноят таркибларининг аксарият қисми айбнинг қасд шаклида содир этилишини назарда тутаяди (ЖК 97–101, 103–110, 113, 118–121-моддалар ва бошқ.), бироқ мазкур жиноятлар қаторида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам ифодаланадиган жиноятлар ўз аксини топган (ЖК 102, 111-моддаси ва бошқ.).

Жиноятнинг мотив ва мақсадлари таҳлил этилаяётган бир қатор жиноят таркибларининг (ёхуд уларнинг турларида) зарурий белгиси сифатида кўрсатилган (масалан, ЖК 124, 130, 131, 133, 135-моддалари ва бошқ.).

Қонун чиқарувчи шахс манфаатларига тажовуз қилувчи бир қатор ижтимоий муносабатларни жинсий тажовузлардан ҳимоя қилади. Уларга, шахс ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлик, шахс озодлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, оиладаги нормал муносабатлар, вояга етмаган ва ёшларнинг нормал ривожланиши, умумэтироф этилган ахлоқий нормалар ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу боис, шахсга қарши жиноятлар бевосита объектига қилинган тажовузларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилган. Улар қуйидагилардан иборат: 1) ҳаётга қарши жиноятлар (ЖК 97–103-м.); 2) соғлиққа қарши жиноятлар (ЖК 104–111-м.); 3) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар (ЖК 112–117-м.); 4) жинсий эркинликка қарши жиноятлар (ЖК 118–121-м.); 5) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар (ЖК 122–134-м.); 6) шахснинг озодлиғи, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар (ЖК 135–140-м.); 7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар (ЖК 141–149-м.) [5].

Шундай қилиб, шахсга қарши жиноятлар бўйича шахс манфаатларини жинсий тажовузлардан ҳимоя қилиш ижтимоий сиёсатни самарали амалга оширишнинг муқаррар шартидир. Шунинг учун ҳам юридик жиҳатдан шахсга қарши жиноятларни тўғри квалификация қилиш борасида қонун устуворлиғи ва жазо муқаррарлигига эришиш жиноятчиликка қарши курашнинг устувор вазифаларидан бири сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан қараганда, шахсга қарши жиноятлар бўйича шахс хавфсизлигини таъминлаш,

унинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлиги, озодлиги, шаъни ва кадр-қиммати ва конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Иқтибослар /Сноски / References

1. Мирзиёев Ш. М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, 2017. – Б.312.
2. Рустамбаев М.Х. Преступления против личности. – Т., 1998; Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили: Ўқув қўлланма. – Т., 2001.; Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
3. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: О,збекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 1098 б.; Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: О,збекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 323 б.; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм / М. Рустамбоев. – Т.: Адолат, 2016 . – 960 б.
4. Матлюбов Б.Б. Жиноятлар мажмуи: квалификация: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 68 б.; Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 294 б.
5. Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.7-10.